

ISSN: 2181-1040
DOI: 10.26739/2181-1040
tadqiqot.uz/renaissance



JCAR

**JOURNAL OF CENTRAL
ASIAN RENAISSANCE**



VOLUME 5 | 2024
ISSUE 1

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE
VOLUME 5, ISSUE 1



МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ЖУРНАЛИ

№1 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-1040-2024-1>

Бош муҳаррир:

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

фалсафа фанлари доктори, профессор
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ЮСУПОВА ДИЛДОРА ДИЛШАТОВНА

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Бош муҳаррир ўринбосари:

ХОЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕСАНСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ўзбекистон Миллий университети ректори,
профессор (Ўзбекистон)

ҲАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Бадий академияси академиги, санъатшунослик фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

Индиана университети ЕвроОсиё тадқиқотлари маркази профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ЖЎРАЕВ НАРЗУЛЛА ҚОСИМОВИЧ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессори, сиёсий фанлар доктори (Ўзбекистон)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги “Фалсафа” илмий марказ раҳбари, фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИСЛОМОВ ЗОҲИДЖОН МАҲМУДОВИЧ

Ўзбекистон Халқаро ислом академияси илмий ва инновация ишлари бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КЛЭР РООСИЕН

Йел университети Славян тиллари ва адабиётлари кафедраси PhD доктори (АҚШ)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

Сан Пабло номидаги СЕУ университети профессори (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ҲАКИМОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети халқаро ишлар бўйича проректори, филология фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

Хофстра университети профессори, тарих фанлари доктори (АҚШ)

ГАБИТОВ ТУРСУН ҲАФИЗОВИЧ

Ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети профессори, фалсафа фанлари доктори (Қозоғистон)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХЎЖАМҚУЛОВНА

Андижон давлат университети “Фалсафа” кафедраси мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор. (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

Наманган муҳандислик-технология институти профессори, фалсафа фанлари доктори (Ўзбекистон)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоий давлат педагогика институти фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўзбекистон)

ИНАКОВ КОМИЛЖОН ҚОДИРЖОНОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доценти, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ДЖЎРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети доц.в.б., фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

Наманган давлат университети в.б. доценти, социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) (Ўзбекистон)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети PhD докторанти (Ўзбекистон)

Дизайн-саҳифаловчи: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Главный редактор:

МАДАЕВА ШАХНОЗА АМАНУЛЛАЕВНА

доктор философских наук, профессор

Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Заместитель главного редактора:

ЮСУПОВА ДИЛЬДОРА ДИЛЬШАТОВНА

доктор философии (PhD), по философским наукам, доцент
Университета Общественной безопасности Республики Узбекистан

Заместитель главного редактора:

ХОДЖИЕВ ТУНИС НУРКОСИМОВИЧ

доктор философских наук (PhD), Национальный
университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКОГО И СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКОГО ЖУРНАЛА РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

МАДЖИДОВ ИНОМ УРУШЕВИЧ

Ректор Национального университета Узбекистана,
профессор (Узбекистан)

ХАКИМОВ АКБАР АБДУЛЛАЕВИЧ

Академия наук Узбекистана,
академик Академии художеств Узбекистана,
доктор искусствоведения, профессор (Узбекистан)

МАРИАННА КАМП РУТЦ

профессор Центра Евразийских исследований
Университета Индианы, доктор исторических наук (США)

ДЖУРАЕВ НАРЗУЛЛА КАСИМОВИЧ

профессор Узбекского государственного университета
мировых языков, доктор политических наук (Узбекистан)

МАХМУДОВА ГУЛИ ТИЛАБОВНА

руководитель Научного центра «Философия» при
Национальном Университете Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИСЛОМОВ ЗОХИДЖОН МАХМУДОВИЧ

проректор по научным исследованиям и инновациям
Международной исламской академии Узбекистана,
доктор филологических наук, профессор (Узбекистан)

КЛЭР РООСИЕН

PhD доктор кафедры
Славянских языков и литературы
Йельского университета (США)

АНТонио АЛОНСО МАРКОС

профессор Университета
CEU имени Сан Пабло (Испания)

ШИРИНОВА РАИМА ХАКИМОВНА

проректор по международным связям
Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор филологических наук,
профессор (Узбекистан)

КАРИМОВ ЭЛЁР ЭРИКОВИЧ

профессор Университета Хофстра,
доктор исторических наук (США)

ГАБИТОВ ТУРСУН ХАФИЗОВИЧ

профессор кафедры религиоведения и культурологии
Казахского Национального Университета имени Аль-Фараби,
доктор философских наук (Казахстан)

ЮЛДАШЕВА ФАРИДА ХОДЖАМКУЛОВНА

заведующая кафедрой «Философия» Андижанского
государственного университета, кандидат
философских наук, профессор. (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ АБДИРАШИД МАМАСИДИКОВИЧ

профессор Наманганского инженерно-технологического
института, доктор философских наук (Узбекистан)

САФАРОВА НИГОРА ОЛИМОВНА

Навоийского государственного педагогического института,
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)

ИНАКОВ КАМИЛЖОН КАДЫРЖАНОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии (PhD)
по педагогическим наукам (Узбекистан)

ТОШОВ ХУРШИД ИЛХОМОВИЧ

доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

ДЖУРАЕВА НИГОРА АВАЗОВНА

и.о. доцент Национального Университета Узбекистана
имени Мирзо Улугбека, доктор философии
по философским наукам (PhD) (Узбекистан)

МИРЗАХМЕДОВ ХУРШИД АБДИРАШИДОВИЧ

и.о. доцент Наманганского государственного университета,
доктора философии (PhD) по социологическим наукам
(Узбекистан)

ШУКУРОВ АКМАЛ ШАРОФОВИЧ

Национального Университета Узбекистана имени Мирзо
Улугбека, доктор философии по философским наукам (PhD)
(Узбекистан)

РЎЗИБОВЕВ ДОСТОНБЕК ДИЛМУРОД ЎҒЛИ

докторант кафедры Философии и логики Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека (Узбекистан)

Дизайн-верстка: @tadqiqotdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Chief Editor:

MADAEVA SHAKHNOZA AMANULLAEVNA

Doctor of Philosophical Sciences (DSc), Professor
The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Deputy Chief Editor:

YUSUPOVA DILDORA DILSHATOVNA

Doctor of Philosophy (PhD), in Philosophical Sciences,
Associate Professor of the University of Public Security
of the Republic of Uzbekistan

Deputy Chief Editor:

KHODZHIEV TUNIS NURKOSIMOVICH

Doctor of Philosophy (PhD), National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

MEMBERS OF THE EDITORIAL BOARD OF THE SCIENTIFIC-THEORETICAL AND SOCIO-PHILOSOPHICAL JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

MADJIDOV INOM URUSHEVICH

Rector NUUZ, Professor (Uzbekistan)

KHAKIMOV AKBAR ABDULLAEVICH

Academy of Sciences of Uzbekistan,
Academician of the Academy of
Arts of Uzbekistan, Doctor of
Art History, Professor (Uzbekistan)

MARIANNE KAMP RUTZ

Professor of the Center for Eurasian Studies
at Indiana University, Doctor of History (USA)

DZHURAEV NARZULLA KASIMOVICH

Professor of the Uzbekistan State
University of World Languages,
Doctor of Political Sciences (Uzbekistan)

MAKHMUDOVA GULI TILABOVNA

Head of the Scientific Center "Philosophy"
at the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, Doctor of
Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

ISLAMOV ZOHIDJON MAKHMUDOVICH

Vice-Rector for Research and Innovation of the
International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

CLAIRE ROOSIEN

Department of Slavic Languages and Literature
of the Yale University, PhD (USA)

ANTONIO ALONSO MARCOS

Professor of the University of CEU
named after San Pablo (Spain)

SHIRINOVA RAIMA KHAKIMOVNA

Vice-Rector for International Affairs of the National
University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philological Sciences, Professor (Uzbekistan)

KARIMOV ELYOR ERIKOVICH

Professor of the Hofstra University,
Doctor of Historical Sciences (USA)

GABITOV TURSUN KHAFIZOVICH

Professor of the Al-Farabi Kazakh National University,
Doctor of Philosophical Sciences (Kazakhstan)

YULDASHEVA FARIDA KHOJAMKULOVNA

the head of the "Philosophy" department of Andijan
State University, DSc, professor. (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV ABDIRASHID MAMASIDIKOVICH

Professor of the Namangan Institute of Engineering
and Technology, Doctor of Philosophical Sciences (Uzbekistan)

SAFAROVA NIGORA OLIMOVNA

the Nava'i State Pedagogical Institute, Doctor
of Philosophical Sciences, Professor (Uzbekistan)

INAKOV KOMILJON KODIRJONOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

TOSHOV KHURSHID ILKHOMOVICH

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek,
Doctor of Philosophy (PhD) (Uzbekistan)

JURAEVA NIGORA AVAZOVNA

Associate Professor of the National University
of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek, (PhD) (Uzbekistan)

MIRZAKHMEDOV KHURSHID ABDIRASHIDOVICH

Acting Associate Professor of
Namangan State University, Doctor of Philosophy
(PhD) on Sociological Sciences (Uzbekistan)

SHUKUROV AKMAL SHAROFVICH

The National University of Uzbekistan named
after Mirzo Ulugbek, PhD (Uzbekistan)

RO'ZIBOEV DOSTONBEK DILMUROD O'G'LI

doctoral student of the National University of Uzbekistan
named after Mirzo Ulugbek, (Uzbekistan)

Design-pagemaker: @devdasdesign

КОНТАКТ РЕДАКЦИЙ ЖУРНАЛОВ. WWW.TADQIQOT.UZ

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

EDITORIAL STAFF OF THE JOURNALS OF WWW.TADQIQOT.UZ

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


1. Мадаева Шахноза Омонуллаевна ИСТИБДОД АСРИНИНГ МАДАНИЙ КАПИТАЛИ ЁКИ САҚЛАНИБ ҚОЛИНГАН МИЛЛАТ ФЕНОМЕНИ (Профессор Ҳамидулла Акбаров асарлари асосидаги таҳлил).....	7
2. Файзиходжаева Дилбар Иргашевна ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИДА МАНТИҚ ИЛМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.....	13
3. Отаматов Музаффар Абдурашидович ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОНДАГИ ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ.....	19
4. Kandov Bahodir Mirzayevich, Alimukhamedova Nodira Yadgarovna THE INTEGRATION OF THE RENEWING UZBEKISTAN INTO THE WORLD COMMUNITY AND GLOBAL ENVIRONMENTAL PROBLEMS.....	28
5. Djurayev Avaz Akhmedjanovich SOCIAL AND PHILOSOPHICAL PROBLEMS OF DIGITALIZATION PROCESSES IN UZBEKISTAN.....	36
6. Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли ГЕГЕЛЬНИНГ ТАРИХ ФАЛСАФАСИДА ИНСОН МОҲИЯТИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	43
7. Маматқулов Санжар Тошпўлатович ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ФАЛСАФАНИНГ ЎҚИТИЛИШИ: ТАРИХИЙ ДИСКУРС.....	51
8. Djurayeva Nigora Avazovna SYSTEM ANALYSIS OF PHILOSOPHICAL CATEGORIES “CIVILIZATION”, “CULTURE” IN THE CONTEXT OF THE PARADIGM OF SOCIAL EXISTENCE.....	59
9. Тошов Хуршид Илхомович ОНГНИ МАНИПУЛЯЦИЯЛАШ ШАКЛЛАРИНИНГ ЦИВИЛИЗАЦИОН ДАВРЛАРДАГИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	67
10. Шамсутдинова Нигина Каримовна СУФИЙСКАЯ СУЩНОСТЬ ПОНЯТИЯ “ДУША” В ВОЗЗРЕНИЯХ АБУ АЛИ ИБН СИНЫ.....	77
11. Zhang Lei SYSTEMATIC PHILOSOPHICAL ANALYSIS OF THE MECHANISM OF THE "BELT AND ROAD" PROPOSED BY CHINA.....	83
12. Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА “ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ.....	90
13. Гулямов Хуршид Жамшетович РАЗРАБОТКА ТРЕБОВАНИЙ К НАУЧНО-ПОНЯТИЙНОМУ АППАРАТУ «КАНОНА МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ».....	102
14. Норбоев Жавлон Акбарали ўғли МУҲЙИДДИН ИБН АЛ-АРАБИЙНИ ШАРҚ МУСУЛМОН ОЛАМИДА ТУТГАН ЎРНИ ВА УНИНГ ФАЛСАФАСИНИ ЕВРОПАГА ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	110

ISSN: 2181-1040

www.tadqiqot.uz

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ**ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ
JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE****Рўзибоев Достонбек Дилмурод ўғли**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Ижтимоий фанлар факультети “Фалсафа ва мантик” кафедраси
таянч докторанти (PhD)
E-mail: roziboyevd831@gmail.com

**ЭДВАРД САИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА
“ОРИЕНТАЛИЗМ” АСАРИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ТАҲЛИЛИ** <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12170603>**АННОТАЦИЯ**

Шарқнинг феномен борлиғи ҳар доим муҳокама мавзусига олинар экан интерпретацион ёндашувлардаги қарама-қаршилиқнинг назарий-методологик жиҳатлари савол остида бўлади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади XX аср иккинчи ярмидан бошлаб тарих сахнасида империализм тенденцияси заифлашган бир шароитда Шарқнинг борлиқ феноменига янгича парадигмал ёндашувлар ва назариялар асосида ёндашган концепциялардан бири ҳисобланган ориентализмнинг генезиси ва шу ғояга асос бўлган “Ориентализм” асарини таҳлил қилишдир. Шарқ феноменига бўлган ёндашувда пост-колониал тадқиқотлар учун парадигмал асослардан бири сифатида эътироф этилган, Эдвард Саид томонидан ишлаб чиқилиб, бугунгача Шарқ ва Ғарб контекстида кенг муҳокама қилиниб, замонавий тенденциялар билан ривожланаётган ориентализм концепциясининг генезиси ва концептуал таҳлиliga тадқиқотда асосий эътибор қаратилди. Шунингдек тадқиқотда Эдвард Саиднинг фалсафий тафаккурини шакллантирган ижтимоий-сиёсий омиллар ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Шарқ феномени, академик шарқшунослик, ориентализм, аутентиклик, империализм, оксидентализм, интерпретация, цивилизация, исломофобия, вестеринизация.

Ruziboev Dostonbek Dilmurod ugli

National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Department of "Philosophy and Logic" of the Faculty of Social Sciences
Foundation Doctoral Student (PhD)
E-mail: roziboyevd831@gmail.com

**THE GENESIS OF THE PHILOSOPHICAL VIEWS OF EDWARD SAID AND THE
CONCEPTUAL ANALYSIS OF THE WORK “ORIENTALISM”****ANNOTATION**

As the topic of the phenomenal existence of the East is always discussed, the theoretical and methodological aspects of the mutual opposition in the interpretive approaches are questioned. The purpose of this study is to analyze the genesis of the oriental studies paradigm and the work "Oriental

studies" that is the basis of this paradigm, which emerged from the second half of the XX th century in the context of the weakening of the imperialist tendency on the historical stage. The study is based on an analysis of the genesis and conceptual analysis of the concept of Orientalism, which is recognized as one of the paradigmatic foundations of postcolonial studies in the approach to the phenomenon of the East, developed by Edward Said. The socio-political factors that shaped Edward Said's philosophical thinking were also analyzed in the study.

Key words: Eastern phenomenon, academic oriental studies, orientalism, authenticity, imperialism, occidentalism, interpretation, civilization, Islamophobia, westernization.

Рўзибоев Достонбек Дилмурод угли

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Докторант (PhD) кафедры «Философия и логика»

факультета Социальных наук

ГЕНЕЗИС ФИЛОСОФСКИХ ВЗГЛЯДОВ ЭДВАРДА САИДА И КОНЦЕПТУАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «ОРИЕНТАЛИЗМ»

АННОТАЦИЯ

Поскольку тема феноменального существования Востока постоянно обсуждается, подвергаются сомнению и теоретические и методологические аспекты взаимного противостояния в интерпретативных подходах. Целью данного исследования является анализ генезиса востоковедческой парадигмы и труда «Востоковедение», лежащего в основе этой парадигмы, возникшего со второй половины XX века в условиях ослабления империалистической тенденции на исторической арене. Исследование основано на анализе генезиса и концептуальном анализе концепции ориентализма, которая признана одной из парадигматических основ постколониальных исследований в подходе к феномену Востока, разработанном Эдвардом Саидом. В исследовании также были проанализированы социально-политические факторы, сформировавшие философское мышление Эдварда Саида.

Ключевые слова: восточный феномен, академическое востоковедение, ориентализм, аутентичность, империализм, западничество, интерпретация, цивилизация, исламофобия, вестернизация.

Кириш ва мавзунинг долзарблиги. 1978-йилда Эдвард Саиднинг “Ориентализм” асари нашр этилганда пост-колониал шарқшунослик тадқиқотлари соҳасида жиддий резонанс келтириб чиқарди. Мазкур асар шарқшунослик феноменининг Ғарб тафаккурида қачон, қайси хусусиятлар билан шаклланганлиги, генезиси ва трансформацияси ҳақидаги илк кенг қамровли концептуал тадқиқот бўлди. Бу асар шарқшуносликнинг адабий-эстетик, фалсафий соҳалардаги жиҳатларинигина кўриб чиқмай, балки уни сиёсий контекстда таҳлил этиш орқали илгари ҳеч қачон тадқиқот муҳокамасига олинмаган масалаларни муҳокама қилди. Европа шарқшунослик тафаккур аънаналарини, айниқса, унинг методологиясини маълум даражада танқид қилган яна бир қанча мутафаккирларни келтириш мумкин. Шунга қарамай, уларнинг ҳеч бири Саид “ориентализми сингари ўз даври ва ўзидан кейинги тадқиқотлар учун парадигмал асос бўла олмади” [1, 56-57-бет].

Асарда “Ориентализм” дастлаб академик соҳа сифатида шаклланиб империалистик сиёсатнинг тафаккур услубигача бўлган трансформацион босқични босиб ўтилгани таъкидланади. Саид тадқиқотида XIX асрда шаклланган ориентализм назарий ижодкорларининг герменевтик таҳлилига ўтишдан олдин Ливан фуқаролар урушининг ОАВлардаги материалларнинг интерпретациясини таҳлил қилади. Бу кузатишлар Саидга Ғарб ориенталистик аънаналари антик даврдан буён тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган феномен эканлиги тўғрисида хулоса беради. Унинг фикрича Эсхил, Платон, Аристотел, Данте, В.Гюго, Карл Маркс ва бошқа бир қанча Ғарб мутафаккир ва адибларининг ижоди ва қарашлари ҳам айни аънаналарнинг мустаҳкамланишига хизмат қилган. **Саид Шарқнинг Ғарб тафаккурида шаклланган умумий қиёфаси айнан ориенталистик назарий-**

методологик ёндашувнинг маҳсули эканини таъкидлайди. Антик замонлардан бери шаклланиб келаётган ушбу интерпретацион инқироз Эдвард Саиднинг Ориентализм асарида илк бор тизимлаштирилган ҳолда яхлит парадигмал концепция сифатида очиб берилди. Бу кенг қўламли методологик ёндашув асосида Ғарб империализми ва мафкураси замиридаги Шарққа бўлган муносабат ғояси ётади. Ғарбона ориенталистик тафаккур анъаналарига нисбатан айна кўринишдаги танқидий қараш Саид концепцияси ва парадигмал тадқиқотининг бош ғояси бўлиб хизмат қилган.

Саид фикрича Маркснинг “улар (шарқликлар) ўзларини тақдим эта олмайдилар, улар таништирилишлари керак” [2] деган иқтибосини тасодиф ёки оддий акс-садо сифатида қабул қилиб бўлмайди. “Ориентализм” нинг мазмун-моҳиятини ташкил этувчи мазкур мулоҳазанинг замирида Шарқ феномени ҳақидаги тасаввурларни ғарбона позициядан туриб сохта тасвирларни қўллаган ҳолда қайта шакллантириш ғояси, ҳамда унинг амалий татбиғи асосида шарқона тафаккурда Ғарб цивилизациясининг доминантлигини ҳосил қилиш тенденцияси ётади. Шу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда мутафаккир Ғарб тафаккурида шаклланган Шарқ ҳақидаги ноҳолис тасаввурлар ва назарий ёндашувлар айнан мазкур феномен ҳақида методологик талқинлар трансформацияси жараёнида рўй берган хатоликлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб ўтади. Шу маънода Саид томонидан илгари сурилган “Ориентализм” категорияси моҳияти шарқшунослик атамасининг турли хил талқинлари билан компаративистик таҳлил этиш асосида очиб берилиши мумкин. Бу эса ўз навбатида Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг конструктив мулоқоти йўлида тўсқинлик қилувчи турли хил назарий ижтимоий сиёсий ҳамда маданий зиддиятларга асос бўлувчи стереотипларни бартараф қилишга йўл очади қолаверса сиёсий нуқтаи назардан Ғарб ва Шарқ мамлакатларининг манфаатли ҳамкорлиги учун самарали механизм бўлиб хизмат қилувчи ўзаро тенглик ва ҳурмат, толерантлик ҳамда тушунишга асосланган диалог муҳитини яратишга хизмат қилади. Бундан ташқари глобаллашув шароитида юзага келаётган маданий таъсирлашув жараёнида халқларнинг ўз аутентиклиги ва идентиклигини сақлаб қолишда ҳам Саид ориенталистик концепциясининг чуқур тадқиқ этилиши зарурий назарий ориентация вазифасини бажаради.

Методлар ва ўрганилганлик даражаси. Ғарбда Шарқ ҳақидаги тасаввурлар шаклланиши ҳамда уларнинг империалистик мақсадлар нуқтаи назаридан ривожлантирилиши борасидаги қарашлар Анвар Абдел Малек, Муҳаммед ал-Беҳий, Малик Бин Неби, Мустафа Сибай, Марям Жамеелах, Моҳаммед Кҳалифа, Муҳаммад Маназир Аҳсан, Абдуллаҳ Лароуи, Йвес Лакосте, Ал Тибави, Талал Эсад ва Брян Турнер каби тадқиқотчиларнинг изланишларида ҳам чуқур ўрганилган. Юқорида келтирилган мутафаккирлардан Анвар Абдул Маликни мисол қиладиган бўлсак у “Ғарбнинг Шарқ тўғрисидаги тафаккур услубини биринчилардан танқид қилган” [4, 11-44-бет] бўлса ҳам лекин унинг тадқиқот қамрови шарқшуносликда жуда кенг муҳокама қилинмади. Аммо айна ғоя Эдвард Саид ижоди хусусан унинг “Ориентализм” асарида концептуал тарзда тизимлаштирилди. Қолаверса, аҳамиятли жиҳати шундаки Эдвард Саид талқинидаги ориентализм концепцияси ундан кейинги даврда амалга оширилган “пост-колониал” тадқиқотлар учун парадигмал даражадаги назарий методологик асос вазифасини ўтамоқда.

Мақолада илмий билишнинг қиёсий тадқиқот усуллари, аналитика, синтез, компаративистика, герменевтик таҳлил усуллари қўлланилди.

Муҳокама. Шу ўринда Саид илмий фаолиятининг таҳлилига ўтишдан олдин шарқ(orient) ва (orientalism) шарқшуносликнинг таърифи, унинг мазмуни ва улар қандай тарихий трансформацион босқични босиб ўтганини билиш муҳим. Туркияда шакллантирилган Ислом энциклопедиясида Юксел Булут ориентализмни “XIX асрнинг иккинчи ярмида шаклланган Шарқ тўғрисидаги систематик тадқиқот” [3, 428-бет] сифатида тарифлайди. Ориентализмнинг соҳа ва концепция сифатида вужудга келиши деярли аниқ тарихий чегаралар билан XIX аср сифатида белгиланади. Буни Саиднинг тадқиқоти мисолида кузатиш мумкин. Бироқ бу терминнинг келиб чиқиш генезисини XVII аср ҳатто ундан ҳам олдинги асрларга боғлаш мумкин. Мисол учун “1683-йилги манбада Шарқшунос атамаси шарқий грек черковининг азоси маъносида қўлланилган” [3 428-бет]. Бу термин инглиз

луғатида 1779-йилда таълимни Ҳинд колониясида инглиз тилида эмас маҳаллий ҳинд тилида бўлиши тарафдорларига нисбатан қўлланилган. Академик тадқиқот соҳаси сифатидаги бугунги маънога энг яқин илк тариф 1838-йилдаги Француз Академияси луғатида учрайди. Саид асарида ориентализмнинг уч хил таърифни келтиради.

1. “Академик маънода бу соҳа ориенталистларнинг илмий тадқиқот инситутлардаги фаолиятини – қайсики Шарқ тўғрисидаги объектив тадқиқотларни олиб борадиганларни акс эттиради. Бунга Шарқ маданияти, тили, адабиёти, тарихи ва бошқа соҳалардаги фаолият мисол бўлади.

2. Ориентализм – Шарқ ва Ғарб ўртасидаги асосий онтологик ва эпистемологик хосликни фарқлаб берадиган ўзига хос тафаккур услуби. Бу ёндашув жуда кенг миқёсдаги ёзувчи, шоир, файласуфлар, сиёсат назарийчилари, империал администраторлар томонидан Шарқ ва Ғарб ўртасидаги асосий фарқ ва яратилган назария, ижтимоий таърифларда, Шарқ тўғрисидаги сиёсий ва унинг урф-одатлари онгига бўлган муносабатда асосий фарқлаш хусусияти сифатида қабул қилинган.

3. Ориентализмнинг учинчи маъноси тарихийлиги ва моддий асосланганлиги билан юқорида келтирилган иккита таърифдан анча аниқроқ. XVIII аср охиридан бошлаб Ориентализм Шарқни тасвирлайдиган унинг қарашларини авторизация қиладиган ва бу орқали ҳукмронлик қиладиган қисқа қилиб айтганда Ориентализм – Шарқ устидан Ғарбнинг доминантлигини мустаҳкамлайдиган Ғарбнинг Шарққа қаратилган тафаккур услуби” [5, 9-10-11-бетлар].

Эдвард Саид келтирилган иккинчи ва учинчи таърифни империализм билан бир контекстда тадқиқ қилади. Бу эса таббiiй равишда ориентализм феноменининг XIX асрдан кейинги трансформацион характери француз ва инглиз колониал сиёсати билан узвийликда таҳлил қилинишига сабаб бўлди. XVIII-асрдан XX-асргача Ғарбнинг ушбу икки буюк империяси бошидан кечирган сиёсий, иқтисодий ва маданий ривожланиш ва таракқиётда мустамлакачилик босқичига ўтиши ҳамда уларнинг глобал таъсирга эга бўлиши Ориент «Шарқ» ва Ориентализм «Шарқшунослик» тушунчасининг тафаккурда шаклланиши ва шу соҳадаги тадқиқотнинг ривожланишида асосий фактор бўлди. Ғарб колониализми ҳақида гап кетганда бу масалани фақат инглиз ва французлар фонида муҳокама қилиниши ва немис, рус кейинчалик эса бу тенденцияга қўшилган АҚШни эътиборсиз қолдириш тадқиқотнинг қамрови ва аҳамиятига салбий таъсир кўрсатади. Саид ўз изланишларида Шарқ масаласига АҚШнинг анча кейин иккинчи жаҳон урушидан сўнг айниқса элитар интеллектуал қатламида яҳудийлар етакчига айланганидан сўнг фаоллашганини, хусусан яҳудий давлатининг Ўрта Шарқ минтақасига жойлашганидан бошлаб Шарқ масаласида ориентализм парадигмаси АҚШ билан боғлиқ тус олганини ёзади. Ориенталистик тафаккур асосидаги ёндашув Ғарбда Хитой, Ҳиндистондан тортиб Исломгача кенг қамровда амалга ошган бўлса ҳам Саид тадқиқоти кўпроқ Ислом, Ўрта Шарқ ва Фаластин атрофида шакллантирилган. Бу тадқиқотнинг географик қамровидир.

Шу ўринда иккита муҳим савол юзага чиқади: Саиднинг тадқиқоти бошқа тадқиқотчилардан қайси муҳим элементлар билан фарқланади? Нима учун Саиднинг тадқиқотлари академик доирада жудда жиддий қабул қилинди ва парадигмал асосларни қурган тадқиқот сифатида эътироф этилди?

Бу саволга қайси қарашлар асосида жавоб берилишидан қатъий назар жавоблар Саиднинг илмий фаолияти ва унинг шахсиятига тақазоланади. Чунки ҳар ким ҳам англай олмайдиган академик муаммонинг аутентлигини ва албатта Ғарб ва унинг асосий тадқиқотлари билан яқиндан таниш шахс бу айнан Эдвард Саиддир. Бу саволлар Ғарб томонидан яратилган Ориентализм феноменини адабиётдан то фалсафагача, сиёсатдан то саънатгача бир портретда; бундан ташқари бир вақтда Шарқ ва Ғарбни анализ қилиш қобилиятини талаб қилади.

Саид болалигидан муҳит ва давр таъсирида шаклланган ўзига хос тафаккури ва хиссиётлари билан вояга етди. У бир фаластинлик сифатида Фаластин муаммоси билан улғайди. У ўзининг ҳаётида кузатган содда ориенталистик анализини академик даражага

чиқара олди ва ўз қарашларини интеллектуал доиралар муҳокамасигача кириб боришига эришди.

Унинг қарашлари шаклланишига Қоҳирадаги космополитанизм ва қатъий ортодаксал коллеж таълими жуда жиддий тасир кўрсатди. У бу ҳақида хотираларида куйидагича эслайди. Менинг отам биринчи жаҳон уруши АЕФда (Америка экспедиция кучлари) Генерал Першинг [6] қўл остида Францияда ҳарбий хизмат қилди ва шу хизматлари учун АҚШ фуқаролигини олди. У 1911-йилда 16 ёшида Болгариядаги жангга чақирилишидан қочиб, ўша пайтда Усмонлилар назоратида бўлган Фаластинни тарк этган эди. У АҚШга боради ва у ерда ўқиб ишлайди, бироқ муддатдан сўнг 1919-йилда Фаластинга қайтади ва амакиваччаси билан шахсий бизнесини бошлайди. Эдвард Саид 1935-йилда Қуддусда фаластинлик протестант-христиан оиласида туғилди. У инглизча исмини онасининг Уэлс шахзодасига бўлган ҳавас ўлароқ қўйилганини хотираларида ёзади. “Мен арабча фамилия ва инглизча исмим билан таълимимнинг дастлабки йилларида жамоада ўзимни ноқулай хис қилардим” - дея хотирлайди. [7, 558].

Саидлар оиласи 1947-йилда Фаластин-Исроил уруши сабабидан Фаластинни тарк этишга мажбур бўлишади. Улар Мисрнинг энг йирик маркази Қоҳирада қўним топишади. Бу ерда турк, араб, британияликлар, яхудийлар, арманлар, греклар, мусулмонлар ва христианлар яшар эди. У инглиз мустамлакачилари томонидан мустамлака мақсадларида ташкил этилган Виктория коллежида ўқий бошлайди. Бу коллеж Қоҳиранинг космополитик маданияти билан ҳамоҳанг эди. Саид турли хил миллий ва диний келиб чиқишга эга бўлган ўқувчилар билан бирга таълим олади. Саид бу ҳақда эсларкан инглиз тилидан бошқа тилларда мактаб худудида гаплашиш қатъий таъқиқланганини эслайди. Ҳар бир ўқувчининг француз ва араб тилида чуқур билимга эга бўлиши баробарида уларга инглиз тили қатъий колониал мафкура билан сингдирилган.

Таълимнинг дастлабки йилларида у Қоҳира муҳитини хушламаган бўлсада, Виктория коллежидаги таълимни ҳурмат билан эслайди. У айти шу ерда ўзида Ғарб маданиятининг “биз” ва “улар”, “мен” ва “бошқалар” парадигмаси биринчи марта юзага чиққанини етуқлик давридаги хотираларида кўрсатиб ўтади. Ҳаётининг шу босқичида унинг қарашларида ва шахсиятида энг муҳим жиҳат бўлган “ҳеч қаерга таъллукли бўлмаслик “меланхолияси” ва “буюк ориентализм анализи”нинг илк илдизлари, шаклланди. Насроний араб оиласининг фарзанди сифатида уйда араб, чет тилидан инглиз тилини ўрганган, Ғарб мактабларида таълимни тугатган ва Америка Қўшма Штатларида академик ҳаётга қўшилган Эдвард Саид ўзини тўлиқ араб ёки бутунлай Ғарб маданиятининг бир қисми сифатида хис қила олмади. У ўзида кечирганларнинг барчасини “Қишнинг онги” номли мемуарининг “Дунёлар ўртасида” [7,558-бет] номли қисмида тушунтиради. Саид 1951-йилда Виктория коллежидан британ ўқитувчиси билан тортишиб интизомни бузгани учун мактабдан четлатилди. У бу даврга келиб 16 ёшда эди. Саиднинг отаси уни Америкага ўқишга жўнатади. У ўғлини АҚШда ўқишга берган мактаб Массачусетсдаги қаттиқ интизомли пуританизм мактаби эди. У мактабда ўқиган илк кунларини ҳафсаласизлик билан эслайди. У чўқинтирилган христиан ва Ғарб таълимини олган шахс бўлса ҳам унда американик идентиклиги шаклланмади.

У пуритан мактабида талабаларни қийин аҳволга солиб қўядиган масалаларни ҳал қилишда ўзининг шижоати билан бошқалардан ажралиб турарди. Қоҳирадаги Виктория коллежида олган билимлари билан у 160 нафар ўқувчилар орасида биринчи ўринда турарди. Бироқ, унинг таълимда эришган юксак натижалари ҳам уни Ғарб маданияти томонидан қабул қилиниши учун етарли бўлмаган, ҳатто анъанавий бўлган синфдаги очилиш ва ёпилиш нутқларида унга сўз берилмаган. Саид “ўсмирлик даврида бу истиснолар ва дискриминацияни унута олмаслигини айтади” [7, 540-бет]. У кўрган муносабатларнинг барчаси унинг тафаккури ривожланишида ҳал қилувчи таъсир кўрсатди ва у Ғарбга жиддий танқид билан қарайдиган интеллект сифатида шаклланди.

У аспирантурада, Ғарб дунёсининг асосан эстетик муаммолари ва мавзулари тадқиқ қилинадиган адабиёт, фалсафа ва мусиқадан курслар олади. Саиднинг биринчи нашр этилган китоби “Жозеф Конрад ва фантастиканинг автобиографияси” эди[8]. Бу китоб фан

доктори(PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган докторлик диссертациясининг кенгайтирилган шакли эди. Абдурахмон Хусайн “Эдуард Саид: Танқид ва жамият” (2010) асарида Конраднинг “Зулмат юраги” (1899) романининг танқиди “Саиднинг бутун фаолияти ва пост-колониал соҳадаги тадқиқотлари учун асос бўлди” [9] деб ёзади. Бу асар танқидий герменевтик таҳлилида Саид Ғарб қора қитъага ўзининг моддий манфаатларидан бошқа “олий” амбициялар билан келмаганлигини англаб айтиш шу тафаккур феноменининг танқидий таҳлилига ўзининг бутун бир илмий фаолиятини бағишлади.

У АҚШнинг энг илғор Колумбия Нью Йорк университетида иш бошлашдан олдин ҳар доим идентиклик муаммосига дуч келди. У ўзининг шахсий кузатишларида яхудий идентиклигининг институтларда алоҳида имтиёзларга эга эканлигини таъкидлайди. У “Қиш ақли” (Mind of Winter) да ушбу муассасаларда ўзининг истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятини намойиш этгани учун қандай қилиб “улардан бири” сифатида тан олинганлигини, шунингдек, фаластинлик араб эканлиги бу мақтовларда қандай қилиб эътиборсиз қолдирилганини ёзади. Бундай ҳолат бир у билан содир бўлмаганини деярли ҳамма ҳолатда “муҳожир” интеллектлар ҳар доим Ғарб қадриятларини қабул қилгани учун кадр топишини ёки шу қадриятлар бу “муҳожир” интеллектларни “яратишини” таъкидлайди.

У тарихий танқидий назарий-методологияни венгриялик назариётчи “Роман Назарияси” (The Theory of the Novel), “Тарих ва синфий онг” (History and Class Consciousness) асарларининг муаллифи Гёргй Лукасдан, радикал танқид услубини Карл Марксдан ўзлаштирди. Унинг “ориентализм парадигмал концепциясининг қурилиш асосида Ауербач, Спитцер, Грамши, Фоукаулт, Фанон ва Адорно каби Ғарб интеллектлари назарий-методологиясининг танқидий тараққиёти ётибди” [10]. Бу Ғарб мутафаккирлари ва уларнинг асарлари европацентризмнинг назарий асосини ташкил этади. Юқоридаги айтилган танқидий тафаккурни ўзида шакллантирган Саид куч ва ҳокимият муносабатлари ғояси асосида, куч марказларининг манипуляцион таъсирни кейинроқ “Исломи ёритиш” (“Covering of Islam”) асарида батафсил таҳлил қилади.

Саиднинг Ғарб илмий меъросини маданиятини таҳлил қилиш имконияти билан паралел равишда шарқлик маданий илдизларга эга бўлиши унинг икки томонга бўлган муносабатини ривожлантирди. Бу ўз ўрнида Ғарбнинг тафаккури яратган Шарқ ориенталистик феноменига нисбатан жиддий танқид билан қараш имконини берди. Унинг пост-колониал тадқиқотлари Фаластин муаммоси билан ўсиб борди. У АҚШдаги Фаластин муаммосини ёритган ОАВларнинг интерпретациясидаги икки стандартлигини танқид қилган сиёсий фаол сифатида америка жамиятига танилди. Бу фаолияти айниқса 1967-йилдаги “олти кунлик” урушдан кейинги муносабатлар билан яна ҳам фаоллашди. У Фаластин учун қилинган ҳаракатлари учун кескин танқид қилинарди. Бу танқидларда унинг келиб чиқиши, миллати ва фаластинлик эканлиги урғулашиб уни ҳатто антисемитизм ва нацистликда айблашган. Бу ноўрин танқидлар ва айбловлар уни яна ҳам ўз илдизларини жиддий ўрганишига ҳамда мавжуд шакланган ориенталистик стереотипларни жиддий таҳлилдан ўтказишга сабаб бўлди.

Бу экспериментларнинг барчасида у Викториа Колежида бошидан ўтказган ва АҚШда ҳаётининг ҳар бир жабҳасида кузатган шарқлик ва “бошқа” бўлиш муаммосининг англамаган жиҳатларини энди етук кўзлар ва обектив ақл билан кашф этаётган эди. Бу кузатишларини ўзининг кучли таҳлилий аналитикаси билан уйғунлаштириб, у ўз даври ва кейинги давр пост-колониал тадқиқотлар соҳаси учун парадигмал асос бўлган машҳур “Ориентализм” асарини ёзди. 1978-йилда биринчи марта нашр этилган асарда Ғарб империализмининг шарқшунослиги яратган Шарқ феномени жиддий танқид қилинди.

Натижа. Уч қисмдан ташкил топган бу асарда Ғарб яратган ориентализм феноменининг генезисидан тортиб унинг бугунги кундаги трансформацион ҳолати ва Шарқнинг онтологик борлиғига қандай таъсир кўрсатганини концептуал тадқиқ этилади. Биринчи қисм “Шарқшунослик доираси” (“Scope of Orientalism”) деб номланиб бу қисмда Саид шарқшуносликнинг структурал таҳлилин ва жаҳон даражасида географик “шарқлаштирилиш” репрезентация формаси қайси тамойиллар асосида кечганини таҳлил қилади. Саиднинг фикрича, ориенталистлар дунёни асосан иккига “бизникилар” ва

“уларники”га бўладилар. Европацентризм репрезентацион структурасида дунё иккига Ғарб ва Шарққа бўлинади ва бу бўлиниш ориентализм тафаккури услуги асосида кечади. Репрезентациянинг бу кўринишида Шарқ цивилизациялашмаган (қолоқ, ёввойи ибтидоий, хатто варвар) сифатида тасвирланган бир пайтда Ғарб мос равишда цивилизация тараққиётнинг маркази ва цивилизациялашмаганлар учун маданийлаштиришни ўз бурчи сифатида қабул қилган “субъект” сифатида таърифланади. Ғарбнинг ориенталистик тафаккур асосида тарихий тараққиётда “субъект” сифатида ўзини белгилаши, Шарқнинг бу даражага ҳеч қачон лойиқ кўрилмаслиги ва тарихни ҳар доим Ғарб ёзишини кафолатлайди. Ғарб “субъект” ўлароқ Шарқни ўзини цивилизация тараққиётга олиб чиқишга қодир бўлмаган “объект” сифатида тасвирлайди. Бу аслида, назарий жиҳатдан Шарқни гапириш ҳуқуқидан маҳрум қилган Ғарб учун ўзи истаган “Orient” Шарқни яратиш имконини берарди. Таҳлил шуни аниқ исботлар билан тасдиқлаб турибдики, гарчи антик юнон илдизларига бориб тақалса ҳам моҳиятан колониализм ва империализмнинг детерминистик хосиласи сифатида ориентализм XIX асрнинг иккинчи ярмида жиддий муаммога айланди [11]. Империализм ва мустамлакачилик билан интеграциялашган ориентализм мафқураси колониализмнинг авж олиши билан янада яққол намоён бўлди. Саид буни қуйидагича тушунтиради:

“Содда қилиб айтганда ориентализм колониал ҳокимиятнинг рационализацияси бўлиб асосий мақсад Шарқнинг ўзига хослигини инкор қилган ҳолда колониал ҳукуматни кенг ёйиш ва мустамлакачиликни оқлашга қаратилган фаолиятдир” [12,39-бет].

Саид бу юқоридаги келтирилган тенденциялар асосида шаклланган ориентализмни “замонавий ориентализм” деб атади. Бу шаклдаги ориентализм Ғарб тафаккурида асосий этакчи услубга айланиб бугунги замонавий Шарқ ва Ғарб муносабатларидаги онтологик ва эпистемологик дифференциациянинг асосини ташкил этади.

Саид “Ғарб мутафаккирларининг Ғарбдан туриб Шарқни “яратганини” жиддий танқид қилиб балки улар шахсан Шарққа боришини ва академик шарқшунослик нуқтаи назаридан Шарқни кузатиш ва тажрибалар орқали тадқиқ қилиш керак эканлигини таъкидлайди” [12,22-23-бетлар]. Ушбу танқид тадқиқотнинг бутун бир қисмида этакчилик қилади.

Эдвард Саид “Ориентализмнинг XIX асрдаги трансформацион ўзгаришларгача аввало академик соҳа бўлганлигини у дастлаб Шарққа оид билимларга эҳтиёж юзасидан Шарқ тилларини, маданиятини ўрганиш баҳонасида вужудга келиб Хитой ва Ҳиндистондан то ислом кенг ёйилган географияни қамраб олганини таъкидлайди” [12, 50-бет].

Бирок, Саид ориентализми танқидий таҳлил қилинганда унинг географик муҳокама қамрови кўпроқ ислом шарқида, айниқса Ўрта Шарқ ва Яқин Шарққа боғланганлигини кузатиш мумкин. Айнан шу жиҳатни Бернард Луиз каби ориентализм танқидчилари савол остига олишади. У ислом шарқи тўғрисида шаклланган ориентализмни Англия, Франция ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда АҚШ билан бирга муҳокама қилади.

Саид биринчи бобда Ислом шарқи тўғрисидаги Ғарб ориенталистик тафаккурининг психологик илдизларини анализ қилар экан кўрқувга алоҳида урғу беради. Айнан ўрта асрлардаги исломнинг Европа остоналаригача кириб бориши зулмат даврини бошидан кечираётган Европада кўрқувдан бошқа муносабатни вужудга келтирмади. Бу эса ўз ўрнида бутун бир Шарққа муносабатнинг кўрқув асосида қурилишига сабаб бўлди. Европанинг исломга бўлган муносабати систематик кўрқув фобияга асосланган бўлиб буни черков рағбатлантирарди. Шундай бўлса ҳам илк шарқшунослик мактаблари черков ҳомийлиги билан шаклланган. Черковнинг шарқшунослик мактабларига ҳомийлик қилиш бу соҳанинг назарий-методологик жиҳатларини назорат қилишга имкон берарди. Шу тенденциянинг натижаси сифатида Вена черков консули 1312-йилда “Араб, Грек, Иброний, Сйриан” кафедраларини “Париж, Оксфорд, Болония, Авинион ва Саламанкадаги” университетларда ташкил этиш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қарордан сўнг Ғарбда шарқшунослик кенг қамровда тараққий эта бошлади. Бу тенденциянинг “Ғарбда шаклланишига яна бир омил - бу салиб юришлари эди. Шарқ билан танишган Ғарб жамияти ўзини танқидий кўриб чиқиш имкониятига эга бўлди ва Шарқнинг илми фанига черков томонидан қизиқиш ортди” [12, 59-бет].

Саид бу даврда Ғарб тафаккуридаги ориентализмни “Классик ориентализм” дея бу тафаккурнинг асослари исломдан кўрқув истиқболи билан парваришланганлигини таъкидлайди. Ғарбда бу кўрқувнинг манбаини бир сўз билан “Муҳаммадчилик”да ифодалашган. Саид Ғарбнинг мусулмонлар учун бегона бўлган ислом ўрнига муҳаммадчилик терминининг қўлланилишини Ғарб ориентализмининг бир хусусияти сифатида тушунтиради. Муҳаммадчиликнинг ислом динига эргашувчилар учун танланиши худди христианликка ўхшайди. Ғарб христианликнинг келиб чиқишини Исога “Христосга” боғлаб бу дин эргашувчиларини христианлар деб белгилагани сингари Исломни Муҳаммад яратган ва унинг эргашувчиларини муҳаммадчилар деб белгилашни мақул кўради. Бу ҳол маълум бир даврда Ғарбда Шарқ тўғрисида ҳукм сурган нотўғри яратилган интерпретациялардан бирининг кўринишидир. Бу “интерпретацияларда Муҳаммад пайғамбарга тухмат қилинади, у ҳатто хурофот асосчиси сифатида талқин қилинади” [12, 66-бет]. Бу кўринишдаги пайғамбар шахсига қаратилган “тухмат”лар Ғарб адабиёти тарихидаги биринчи роман Сервантеснинг “Донкихот” асарида ва феноменал асар дея этироф этиладиган Дантенинг “Илохий комедиясида” ҳам учрайди. Бу ўринда алоҳида эътибор бериш керак бу икки асар Ғарб адабиётининг фундаментал асосидир. Данте “Илохий комедиясида” буюк гуноҳкорлардан бири деб ҳисоблаган “Муҳаммадни жаҳаннамнинг охири қаватига жойлаштиради. Айни бу қатламдан сўнг шайтонга етилади” [13]. Саид исломга ҳужумнинг типик намунаси бўлган ушбу парчаларни ўз асарида шундай изоҳлайди:

“Маометто - Муҳаммад – “Дўзах” нинг 28-бўлимида пайдо бўлади. У дўзахнинг тўққиз доирасининг саккизинчисида.... шайтоннинг дўзахдаги қалъасини ўраб турган дахшатли ариқлар доираси жойлашган..... Шундай қилиб, Данте Муҳаммадга етиб боргунга қадар, у гуноҳлари кичикроқ бўлган одамларни ўз ичига олган доиралардан ўтади: шахватпарастлар, очкўзлар, бидъатчилар, ғазабчилар, ўз жонига қасд қилувчилар, куфр келтирувчилар. Шайтоннинг ўзи топиладиган дўзахнинг тубига етиб боргунга қадар Муҳаммаддан кейин фақат сохтакорлар ва хоинлар (Иуда, Брутус ва Кассийлар) бор” [12, 68-бет]. Ренессанс адабиётининг йирик вакилларидаги бу интерпретация кейинги Шарқ маданиятига бўлган муносабатлар учун жиддий таъсир кўрсатиб интерпретацион инқирозни чуқурлаштирган.

Саид бу каби талқинларнинг психологик жиҳатларини таҳлил қилиб исломга бўлган муносабатдаги параноид қарашларни танқид қилади. Бу параноид қарашнинг генезисида ислом цивилизацияси яратган кўрқув муҳим омил сифатида кўрсатилади. Саидга кўра, бу қарашлар ва ёндашувлар ҳам босқичма-босқич шарқшуносликнинг академик даражада тараққий этиши ва иқтисодий-сиёсий манфаатлар билан ўзгариб боради. Шубҳасиз, бу туб ўзгаришларнинг асосида Ғарбнинг ўзгарувчан колониал иқтисодий- сиёсий стратегик мақсадлари катта таъсир кўрсатди Наполеоннинг Миср экспедицияси (1798) юкоридаги мулоҳаза учун яхши мисол бўлади. Саид ориентализмда бу борада қуйидаги мисолни келтиради:

Наполеонга унинг кучлари мисрликларни бошқариш ва бўйсундириш учун жуда оз экани аён бўлгач, у маҳаллий ҳадифлар, имомлар, муфтийлар ва уламоларни Қуръонни Буюк Армия фойдасига талқин қилишга мажбурламоқчи бўлди. Шу мақсадда Азҳарда дарс берадиган 60 уламо Наполеоннинг қароргоҳига таклиф қилинади ва бу уламоларга ҳарбий унвон берилади. Бу эса ўз ўрнида жамиятга Наполеонни олдиндан Ислом ва Муҳаммад шахсиятига қизиқиши ва ҳурмати баланд шахс сифатида жуда яхши танитиш имконини берди. Бу тез орада иш берди. Қоҳира аҳолиси босқинчиларга нисбатан ўз ишончсизликларини йўқотишди. “Наполеон кейинроқ бошқарувни ўзининг муовини Клеберга берар экан ўзи Мисрни тарқ этишдан олдин Мисрни шарқшунослар ва диний Ислом уламолари билан бошқариш керак эканлигини, қолган бошқарув тизимлари оқилона эмаслигини айтади” [12, 82-82-бетлар].

Мисрни колониялаштиришдан мақсади ислом Шарқини назорат қилиш бўлган Наполеон ҳақида Саид қуйидагича ёзади:

“Миср мусулмонлари билан муроса қилиш Наполеон стратегик мақсадларнинг кичик бир қисми бўлиб Мисрда Француз маданияти учун макон ҳозирлаб кейинги босқичда Шарқни

бутунлай Ғарб назорати учун очиш яширин мақсад эди. Бу ерда ҳам матн ва схематик муносабат яққол намоён бўлади” [12, 83-бет].

Шу тариқа, Ориентализм ислом ва Шарққа нисбатан ксенофобик қарашларга асосланган билим соҳасидан XVIII –XIX асрга келиб империализмнинг сиёсий институти сифатида трансформацияга учраб империализмнинг иқтисодий-сиёсий мақсадларига хизмат қиладиган европацентризмнинг мафкуравий асосига айланди.

Ориентализмнинг иккинчи боби “Шарқшунослик тузилмалари ва қайта қуришлар” “Orientalist Structures and Restructures” деб номланди. Саид мазкур бобда Силвестр де Сасй ва Эрнест Ренаннинг ориенталистик тадқиқотларига, шунингдек Шарққа сафар қилган сайёҳларнинг фаолиятига ҳамда географик идентиклик чегаралари, диннинг секуляризацияси масалаларига эътибор қаратади.

Саид иккинчи бобда аналитик таҳлилга ўтишдан олдин биринчи ўринда XVIII ва XIX асрдаги “матбуот ва сиёсий ташкилотларга тўхталиб бу давр Ғарб маданий, интеллектуал ва амалий соҳасидаги тараққиётида асосий омил бўлган марифатпарварлик қарашлари ва позитивизм оқимида алоҳида тўхталади” [12, 113-116-бетлар]. Эдвард Саид иккинчи бўлимнинг таништирув қисмидаги ўз анализида Ғарб дунёсининг XVIII ва XIX асрларда мавжуд бўлган Густав Флауберт, Сен Симон каби Ғарб интеллектининг вакиллари ҳатто Моцартни (куйларидаги Шарқни эслатувчи интуицияларни) таҳлил қиладди. (Саид Моцартнинг “The Abduction from the Seraglio” операсидаги ориенталистик қарашларни таҳлил қиладди). Саид “Ғарб замонавий ориентализми XVIII асрга келиб характер хусусиятига кўра ўзгариб энди шарқшунослик қарашларини доминантлигини қатъий ўрнатиш миссиясини олдинга сурганини таҳлилларида кўрсатиб ўтади” [12, 118-бет]. Албата, бундан олдин тилга олинганидек ориентализмнинг доминантлик тафаккур илдизлари ренессансгача бўлган даврда шаклланиб улгурган деган қарашлар мавжуд бўлса ҳам Ғарбда жиддий қабул қилинган Саид тарифлаган “замонавий ориентализм” XVIII – XIX асрлар давомида шаклланди.

Саид замонавий шарқшуносликнинг тўртта таркибий қисми борлигини ва булар замонавий шарқшуносликни шакллантирувчи асосий элементлар эканлигини таъкидлайди:

“Мен тасвирлаган бу тўрт элемент — экспанция, тарихий қарама-қаршилик, мойиллик, классификация XVIII аср ориенталистик тафаккурнинг тузилмасини ташкил этади. Буларсиз ориентализм бугунги биз кўраётган қиёфада шаклланмаган бўлар эди. Бундан ташқари бу элементлар шу пайтгача христиан Ғарб олами томонидан умумий Шарқ ва ислом тўғрисида тушунилиб келинаётган тор диний чегарадан чиқиб янгича тушунилишига асос бўлди. Бошқача қилиб айтганда замонавий ориентализм XVIII аср секуляришган европа маданиятининг элементларидан келиб чиқди” [12, 120-бет].

Чунки 18-19-асрларда Ғарбнинг Шарқдаги фаолиятининг сиёсий-иқтисодий манфаатлари шу даврда яратилган фалсафий, адабий-эстетик ва позитивистик илмий анъаналарга асосланган эди. Бу анъаналар Сасй, Ренан, ва Лейн каби мутафаккирларнинг фаолияти билан паралел шаклланди.

Ушбу бобда Сасй, Ренан, ва Лейнларнинг тадқиқотлари ўхшашликлар ва хосликлар билан батафсил таҳлил қилинади. Саид Сасйни Шарққа бормасдан Шарқ матнларини келтириб, шу матнлар асосида замонавий ориентализмнинг корпусини курганини таъкидлайди. Бу тадқиқотларда Саид Сасйнинг арабшунослик фаолиятига алоҳида эътибор бериб маданий умумлаштириши ва маданий хослик ҳақидаги фикрларни танқидий кўриб чиқади. Бундай ёндашув “Ренан ва Сасй қиёсий таҳлилида давом этади. Ренан сомий тилларга алоҳида эътибор бериб бу тиллардаги тадқиқотларни таҳлил қиладди” [15].

Саид Сасй, Ренан қаторида муаммоли фигура сифатида кўрилган Карл Марксни Шарқни “узокдан” кузатган ориенталистлардан бири сифатида кўриб, Маркс ориенталистик талқинини Британия империализми билан бирга таҳлилдан ўтказди. Маркс Ҳиндистондаги адолатсизликларни таҳлил қилиб, муқаррар ориенталистик тафаккур асосида бу мамлакатдаги инглиз модернистик интервенциясининг зарурий эканлигини таъкидлайди. “Маркс Ҳиндистон модернизацияси феноменига ориенталистик тафаккур асосида ёндашади” [16, 24-25-бетлар]. Бу ёндашувга унинг даврида ва муҳитида доминант бўлган таъриф, абстракциялар

умумий концепциялар жиддий таъсир кўрсатди. Эдвард Саиднинг таъкидлашича, Ориентализм феномени Ғарбда, ҳатто энг радикал дея кўрилган назариётчиларнинг ҳам ўзига хос нотўғри қарашлари стереотиплари билан намоён бўлади.

Саид “замонавий ориентализмнинг” шаклланишида икки муҳим анъананинг ҳал қилувчи ролини; ориенталистларнинг Шарққа боргани ёки бормаганини таҳлил қилиб танқидий қарашларини парадигмал асосларгача ривожлантиради. Бу таҳлилда у яқка мутафаккирларнинг асарлари ва бу асарлардаги бош интерпретацион ғояни жиддий танқиддан ўтказди. Саид биринчи анъананинг вакиллари сифатида Лейн, Чатеаубрианд, Ламартине, Буртон, Флобер, Нервал ва Кинглакени кўриб чиқади. Шулардан бири мисрликлар орасида яшаган ва “Париждан Қуддусга ва Қуддусдан Парижга томон” номли китоб ёзган Лейн эди. Лейн асаридаги асосий интерпретацион хулосада Шарқ реставрация қилинишини кутаётган артефакт сифатида тақдим этилади. Юқоридаги интерпретация услубидан фойдаланган “Ламартин ўзини Шарқдаги қудратли француз империализмининг вакили сифатида тилга олади ва Шарқни “динлар ва мўжизалар мамлакати” сифатида кўрсатади” [12, 170-179-бетлар]. Сасй ва Ренанни Саид иккинчи категорияга киритади ва уларни Шарққа ташриф буюрмасдан улар яратган Шарқ мифизациясини хато деб ҳисоблаб бу танқидий ёндашувни парадигмал даражага олиб чиқиб кейинги пост-колониал тадқиқотларида кенг қўллайди. Юқорида номлари келтирилган мутафаккирлар инглиз ва француз ёзувчилари сифатида Ғарбнинг Шарққа бўлган қарашларини ўз асарларида ўзига хос услублар билан акс эттиришган.

“Ориентализм ҳозирда” деб номланган учинчи бобнинг асосий мавзуси сифатида “очик ва яширин” ориентализмнинг энг муҳим услубий жиҳатлари муҳокама қилинади. Бу қисмда инглиз ва француз колониал ориентализмининг ривожланган ва сўнги босқичдаги замонавий тенденциялари кўриб чиқилади. Ушбу бобда айтилмоқчи бўлган асосий ғоя: Шарқ ҳақида ёзмоқчи, тадқиқот қилмоқчи бўлган ҳеч бир шарқшунос эркин эмас чунки улар ўзларигача шакллантирилган луғат ва назарий-методология билан ҳисоблашишга мажбур бу эса амалда ўзигача шаклланган ориенталистларнинг фаолиятини давом этишига олиб келди. Айнан шу пайтгача шаклланган назарий-методологик парадигмалар шарқшуносликнинг умумий талаб қилинадиган мезонларини белгилаб берган. Саид юқоридаги муҳокамалари қаторида ҳар доим ҳам очик намоён бўлмайдиган Ғарбнинг яширин истаги бўлган Шарқда доминантлик қилиш куч механизмларини тадқиқ қилади. Саиднинг таъкидлашича XIX -асрда Шарқ интерпретацияси янада кенгайди ва бу интерпретация мустамлакачилик ва империализм кизиқишлари доирасида кенгайиб Шарқ шахвонийлик, деспотизм, ғайритабиий менталитет, нотўғри одатлар, қолоқлик контекстида тақдим этилиб Ғарб интервенцияси “маданийлаштириш” миссияси сифатида талқин қилинади. Саид фикрига кўра XIX аср ориентализми хусусиятига кўра, икки “очик” ва “яширин” жиҳатларда намоён бўлади.

Яширин ориентализм онгсиз шарқшунослик бўлса, очик ориентализм Шарқ жамиятига нисбатан қўлланиладиган ноҳолис, мафкуравий тасвир ва талқинларни ўз ичига олади. Яширин ориентализм тафаккур услуби сифатида Флаубертдан тортиб Маркс ва Шарль Бодлер ижодида кузатилса очик ориентализм сиёсий соҳа билан ифодаланади.

Шунингдек бу бобда Европанинг икки давлати - Англия ва Франциянинг XX -асрнинг дастлабки йилларида империалистик режалари Усмонли империяси эгаллаб турган Шарққа нисбатан янги босқичга чиққанини таъкидлайди. Батафсил тарихий маълумотлардан сўнг, Саид ёзади: “Шарқнинг инглиз ва француз манфаатлари том маънода бир-бирига тўғри келадиган ягона қисмида, ҳолдан тойган “Усмонли империясининг худудида, икки антагонист куч ўз конфликтларини деярли мукамал ва характерли изчиллик билан бошқарган. Британия Миср ва Месопотамияда маҳаллий (ва кучсиз) бошлиқлар билан бир қатор квазификацион (мажбурловчи) шартномалар орқали у Қизил денгизни, Форс кўрфазини ва Сувайш каналини, шунингдек, Ўрта ер денгизи ва Ҳиндистон ўртасидаги оралик куруқликнинг катта қисмини назорат қилди... Бундан ташқари, Франция ўзини христиан озчиликлари - маронитлар, халдейлар, несторияликларнинг ҳимоячиси деб ҳисоблаган. Шунга қарамай, Буюк Британия ва Франция биргаликда Усмонли империясининг бўлиниш зарурати

тўғрисида принципиал равишда келишиб олдилар. Биринчи жаҳон уруши олдидан ҳам, уруш даврида ҳам маҳфий дипломатия Яқин Шарқни аввал таъсир доираларига, кейин эса мандатли (ёки босиб олинган) ҳудудларга ажратишни мақсад қилган” [12, 220-бет].

Ғарбнинг империалистик режаларини амалга ошириш учун Усмонлилар империяси тасарруфидаги ҳудудларга саёҳатчилар, ҳарбийлар, маҳфий агентлар юборилди. Бу саёҳатчилар орасида Т. Э. Лоуренс, Г. Белл ва Ст. Жон Филбилар бор эди. Бу турфа хил киёфада ташриф буюрган махсус жосуслар аввало маҳалий халқ орасида Британияга бўлган муносабатни ўрганиб чиқиб қабилалар орасида усмонли ҳукуматига қарши кайфиятни шакллантиришди. Шу нуқтаи назардан, Британиянинг бу ҳудудаги империал сиёсатига энг катта “нозик” таъсирни “Ҳикматнинг етти устун” [17] (1997) асари муаллифи Т. Э. Лоуренс кўрсатади. Лоуренс бу китобида қандай қилиб арабларда усмонлиларга қарши кайфият шакллантиргани ҳақида ҳикоя қилади. Унинг ҳикояларида араб қабилалари ориенталистик тафаккур асосида тасвирланади. Бу тасвирларда араблар жоҳил, маданиятсиз киёфада гавдалантирилса-да бироқ яхши бирлашган қабила ва халқлар сифатида кўрилади. Турклар кўпол, эксплуататор миллат сифатида кўрсатилиб араблар усмонли зулми остида эзилган озодлик йўлини кимдир келиб кўрсатишини кутаётган халқ сифатида тасвирланади.

Ушбу ифода шаклини Лоуренс ҳақида анча кейинроқ суратга олинган “Арабиялик Лоуренс” (Lawrence of Arabia (1962)) [18] кино филмида ҳам кўриш мумкин. Режиссиор Давид Леанс қарашлари асосида Лоуренс доно, сирли, эҳтиросли киши киёфасида гавдалантирилган бир жараёнда Арабистон ярим ороли бепоён саҳролар, чидаб бўлмас иссиқ, ибтидоий киёфадаги қабилалар ва жоҳил араблар жамияти билан тасвирланган. Бироқ Британиянинг интервенцияси сўроқ остига олинмайди. Британиялик аскарларнинг хулқ-атвори энг катта планларда алоҳида ҳурмат билан тасвирланган. Гарчи Араблар билан Лоуренс ўртасида вақти-вақти билан жиддий тортишувлар юзага келса ҳам улар озодлик ва маърифатни кутаётган миллат ўлароқ талқин қилинади.

Ушбу давр тугагач, Яқин Шарқдаги Фаластин муаммосини ҳал қилиш Иккинчи Жаҳон урушидан кейин дарҳол асосий кун тартибига чиқди. Бу эса амалда ориентализмнинг кейинги тараққиёти ва Саиднинг тадқиқотларининг асосий спецификасини белгилаб берган бош омилга айланди. Чунки айна шу даврдан бошлаб Шарқ масаласи фалсафадан тортиб ОАВ, медиа ва саънатгача кўпроқ шу муаммо ва шу асосида вужудга келган фикрлар, қарашларни кўпроқ муҳокама қилди. Бу тенденция ҳалигача инсоният жамиятининг энг оғир нуқталаридан бири бўлиб қолмоқда.

XX асрга келиб ориентализм империализм инқирози ва дунёдаги кучлар мувозанатининг ўзгариши билан жиддий трансформацияни бошдан кечирди. Энди ориентализм услуги Шарқни тўлиқ қамрашдан озгина тийилди бунга сабаб баъзи Шарқ давлатларидаги ривожланиш бўлиб айнан шуларга нисбатан ориентализмнинг “ювилиб кетиш” ҳодисасини кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси ўз навбатида Ғарб ориенталистик ёндашувларининг ўзгаришига олиб келди.

Хулоса. Эдвард Саиднинг «Ориентализм» асари биринчи нашр этилганига деярли ярим аср бўлган бўлса ҳам академик шарқшунослик соҳасида асар бугун ҳам кенг муҳокама қилинмоқда. «Ориентализм» пост-колониал тадқиқотлар соҳасида ўзига хос бир парадигмани яратган тадқиқот сифатида кейинги тадқиқотлар учун назарий асос вазифасини ўтамоқда. Эдвард Саиддан олдин бу мавзуга бағишланган кўплаб асарлар ва ёзувчилар бўлган, аммо уларнинг ҳеч бири Саиднинг асаридек кенг муҳокама қилинмади.

Бундан ташқари Саид ижоди нега бунчалик кучли муҳокама қилинган деган саволга ушбу фундаментал асарни таҳлил қилиш орқали жавоб изланди. Шу нуқтаи назардан, китоб мазмунига Саиднинг Ғарбни ҳам, Шарқни ҳам жуда яхши сингдиргани ва ўз таҳлилини Ғарб академикларининг фикр доирасига кирита олганига эътибор қаратилди. Саид инклюзив методологиядан фойдаланган ҳолда Шарқ ва ориентализм парадигмаси асосида Грамши, Флорбер, Бодлер, Маркс, Ницше каби Ғарб адибларини бирлаштира олди. Унинг ижодининг фундаменталлиги, фалсафадан адабиётга, сиёсатдан мусиқага қадар бўлган кўламда акс этади. Саид Ғарбнинг икки стандартлилилик ва ноҳолисликка асосланган ориентализм

интерпретациясининг фалсафий табиатини очиб бериб кейинги маданиятлараро муносабатлар учун янги замонавий принцип ва меъзонларни таклиф қилди. У интеллект сифатида Шарқнинг асл табиати ва Ғарбнинг бунга муносабатини аналитик асосда тадқиқ этди. Шубҳасиз бу илмий фаолиятнинг шаклланишида унинг шахсий ҳаёт тажрибаси жиддий таъсир кўрсатди. Эдвард Саид асос солган бу парадигмал ёндашув XXI аср медианинг ривожланиши билан ҳам янада муҳим аҳамият касб этиб Шарқнинг “маргиналлаштирилган” ўзлигининг тарихий илдизларини чуқур таҳлил қилиш ва глобаллашув жараёнида тобора унутилиб юборилаётган цивилизацияларнинг аутентлигини таҳлил қилишга назарий методологик асос бўлади. Бугунги “цивилизациялар” конфликтининг асосини таҳлил қилиш ва ўзликни топиш, колониал ва пост-колониал тафаккур илдизларини англаш бир қатор назарий парадигмалар қатори ориентализмни ҳам жиддий қайта муҳокамадан ўтказишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bulut, Y. (2012). Oryantalizm'in Ardından. İstanbul University Journal of Sociology.
2. <https://www.marxists.org/archive/marx/works/1852/18th-brumaire/ch07.htm>
3. Bulut, Y. (2007), —Oryantalizm, Islam Ansiklopedisi (Encyclopedia of Islam). Vol 33
4. Abdel-Malek Anouar. 'Orientalism in Crisis.' Diogenes (1963)
5. Edward Said, Orientalism, New York: Vintage Books, 2003, 9.10.11.
6. https://encyclopedia.1914-1918-online.net/article/pershing_john_j/2014-10-08/1.0
7. Said, E. Reflections on Exile and Other Literary and Cultural Essays. London: Granta Books. (2001) P-558.
8. <https://books.google.com/books?id=M5FIrrLKXDIC&q=joseph+conrad+and+the+fiction+of+autobiography>
9. McCarthy, Conor (2010). The Cambridge Introduction to Edward Said. Cambridge UP. pp. 16–. ISBN 9781139491402. Retrieved 27 February 2013.
10. https://www.researchgate.net/publication/362109502_From-Theory-to-Discussion-Orientalism-and-History-From-Past-to-Present
11. <https://anthropologyreview.org/anthropology-explainers/a-critical-evaluation-of-edward-saids-orientalism/>
12. Said, E. Orientalism. New York: Vintage Book Books. 1979.
13. Dante, A. The Divine Comedy. New York: Barnes & Noble Classics (2003: 54)
14. <https://literariness.org/2020/11/10/analysis-of-edward-saids-orientalism/>
15. https://www.researchgate.net/publication/294622823_Orientalisms_in_the_interpretation_of_Islamic_philosophy
16. Bulut, Y. (2012), —Oryantalizmin Ardından. Sosyoloji Dergisi, 24-25.
17. Lawrence, T. E. (1997), Seven Pillars of Wisdom. Hertfordshire: Wordsworth Classic of World Literature.
18. [https://en.wikipedia.org/wiki/Lawrence_of_Arabia_\(film\)](https://en.wikipedia.org/wiki/Lawrence_of_Arabia_(film))

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕНЕССАНСИ ЖУРНАЛИ

ЖИЛД 5, СОН 1

ЖУРНАЛ РЕНЕССАНСА ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

ТОМ 5, НОМЕР 1

JOURNAL OF CENTRAL ASIAN RENAISSANCE

VOLUME 5, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000